

7-МАВЗУ. МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ОМИЛЛАРИ ВА ИМКОНИЯТЛАРИ

Мавзу саволлари:

1. Меҳнат унумдорлиги тушунчаси ва уни ошириб боришнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти.
2. Меҳнат унумдорлиги ва меҳнат самарадорлиги ўртасидаги боғлиқлик.
3. Меҳнат унумдорлигини аниқлаш усуллари.
4. Меҳнат унумдорлигини ошириш омиллари.
5. Меҳнат унумдорлигини ошириш захиралари.
6. Меҳнат самарадорлиги ва меҳнатга ҳақ тўлаш тизимларининг ўзаро боғлиқлиги.

1. Меҳнат унумдорлиги тушунчаси ва уни ошириб боришнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти.

Меҳнат унумдорлиги - ходимлар меҳнат фаолиятининг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичидир. У ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки кўрсатилган хизматлар миқдорининг меҳнат харажатларига нисбатан, яъни меҳнат харажатлари бирлиги ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот билан белгиланади.

Жаҳон амалиётида “меҳнат унумдорлиги” ва “унумдорлик” атамаларидан кенг фойдаланилади. Бу атамалар ана шу кўрсаткичларни ҳисоблаб чиқаришга асос бўладиган меҳнат натижаларининг таърифи ва таркиби билан фарқланади. Меҳнат унумдорлиги атамаси фақат яратилган (сотилган) маҳсулот (хизматлар) ҳажминигина ўз ичига олади, ҳолбуки, унумдорлик атамаси кўшимча равишда меҳнат натижаларида буюмлашган меҳнатнинг тежалиши ёки ортиқча сарфланишини ҳисобга олади.

Ижтимоий меҳнат унумдорлиги – жонли ва ўтмишдаги меҳнат сарфлари билан ҳисобланади:

$$P_o = M / T_1 + T_2$$

бунда

P_o – ижтимоий меҳнат унумдорлиги;

M – ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми;

T_1 – жонли меҳнат сарфи;

T_2 - ўтмишдаги меҳнат сарфи.

Якка тартибдаги меҳнат унумдорлигини ҳисоблашда фақат жонли меҳнат сарфларидан фойдаланилади:

$$P_i = M / T_1$$

Меҳнат унумдорлиги моҳиятини таърифлаш учун “меҳнат интенсивлиги” ва “меҳнат тиғизлиги” тушунчаларига аниқлик киритиш лозим. Иқтисодий адабиётларда ушбу тушунчаларнинг бир-бирига нисбати тўғрисида аниқ бир маънода тушуниладиган фикрлар йўқ. Кўпинча, меҳнат интенсивлиги деганда, инсоннинг мушак ва асаб куввати сарфи билан ўлчанадиган ишлаб чиқариш жараёнидаги меҳнат тиғизлиги даражаси тушунилади. Ушбу ҳамда унга ўхшаш бошқа таърифларда «меҳнат интенсивлиги» ва «меҳнат тиғизлиги» тушунчалари бир хиллаштириб юборилади. Лекин, аслида булар бошқа-бошқа тушунчалардир.

2. Меҳнат унумдорлиги ва меҳнат самарадорлиги ўртасидаги боғлиқлик.

Меҳнат унумдорлигини ўлчашнинг натурал, меҳнат ва қиймат **усуллари** мавжуд.

Меҳнат унумдорлигини ўлчаш даражаси бўйича бир хилдаги маҳсулотни ишлаб чиқарадиган алоҳида иш ўринларида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмини ва ишлаб чиқариш нормаларини аниқлашнинг **натурал усулини** қўллаш мақсадга мувофиқдир. (дона, тонна, куб ёки метр² ва ҳоказо)

Меҳнат унумдорлигини **меҳнат усули** билан ўлчашда маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш ёки товар бирлигини сотишга доир норматив вақтдан фойдаланилади:

$$MU_m = \text{иш вақти бирлигидаги маҳсулот ҳажми} / \text{ҳақиқий иш вақти; (норма/соат)}$$

Корхоналар ва уларнинг йирик бўлинмалари даражасида, худди иқтисодиёт тармоқларида бўлгани каби, ишлаб чиқариш ва меҳнат унумдорлиги ҳажмларини ўлчаш учун асосан қиймат усули татбиқ этилади. **Қиймат усули** универсал усул бўлиб, у маҳсулотнинг барча турлари ва ҳажмлари, ишлар ва хизматлар ягона пул кўрсаткичлари бўлган сўмда ифодаланади, у ҳажм кўрсаткичларини тегишли улгуржи нархларга кўпайтириш билан аниқланади.

3. Меҳнат унумдорлигини аниқлаш усуллари.

Меҳнат тигизлиги энг юқори меҳнат ўлчамига нисбатан меҳнат интенсивлигининг даражасидир. Шундай қилиб бу инсоннинг иложи бўлган имкониятлари чегарасидан оиши реал эмаслиги сабабли битта бирликда юқорироқ қиймат касб эта олмайдиган одамнинг имкониятларидан фойдаланиш нисбий кўрсаткичидир.

Меҳнат унумдорлиги меҳнатнинг маҳсулини, самаралилигини кўрсатади, меҳнат интенсивлиги эса меҳнат жараёнида вақт бирлиги ичида одам сарфлайдиган қувват миқдоридир.

Меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларини таснифлаш белгиси меҳнат натижаларини ифодалаш усулидан (қиймат, табиий ва меҳнат) иборатдир. Табиий ўлчамлар ҳаммадан кўра содда ва яққол бўлиб, меҳнат натижаларини кўзга ташланадиган моддий категорияларда баҳолайди.

Маҳсулот табиий (шартли-табиий) бирлигининг меҳнат сиғими кўрсаткичлари корхона ва унинг таркибидаги бўлинмалар бўйича меҳнат унумдорлигини ўлчаш, таҳлил қилиш ва режалаштиришнинг ягона усуллари қўллашга, меҳнат унумдорлигининг ўсиш омиллари таъсирида ҳаражатлар динамикасини жуда аниқ кўрсатишга имкон беради. Қиймат усули энг кўп тарқалган усул бўлиб, у корхонада, корхоналар гуруҳларида, тармоқда, минтақада, умуман иқтисоддаги меҳнат унумдорлигининг даражаси ва динамикасини таққослаш имконини беради.

4. Меҳнат унумдорлигини оширишнинг омиллари ва имкониятлари

Меҳнат унумдорлигини ошириш айрим корхона ва жамоалар учун катта аҳамиятга эга бўлиб, унинг даражасига таъсир этадиган барча омиллар ва заҳираларини кўпайтиришни тақозо этади.

Умуман, омиллар деганда – бирон-бир жараён ёки ҳодисага таъсир этувчи кучлар, сабаблар, ташқи вазиятлар тушунилади. Меҳнат унумдорлиги омиллари - маҳсулот, иш ёки хизматлар бирлигини ишлаб чиқаришда ёлланма меҳнат сарфи миқдорининг ўзгаришига таъсир этувчи сабаблар, ҳаракатлантирувчи кучлар.

Меҳнат унумдорлигига таъсир этишнинг турли усуллари таснифлаш ва уларни гуруҳларга ажратишнинг аҳамияти шундаки, бу меҳнат унумдорлиги моҳиятини чуқурроқ англаш ва ошириш йўлларини бозор конъюнктурасидан келиб чиқиб аниқлаш имконини беради. Бундай таснифнинг амалий аҳамияти шундаки, унинг ёрдамида у ёки бу омилларнинг натижасига таъсир даражасини яхшироқ ҳисобга олиш мумкин бўлади, яъни улардан бири меҳнат унумдорлигининг ўсишига барқарорроқ таъсир кўрсатса, бошқалари бу маънода ўтқинчи аҳамиятга эга.

Омилларни таснифлашга турлича ёндашувлар уларнинг турли йиғиндиларини фарқлашга олиб келиши мумкин. Дж. Кендрик, «ишлаб чиқариш омиллари» назариясига таяниб, унумдорликни ўлчаш: 1) ялпи маҳсулотнинг сарфланган вақт бирлигига нисбати; 2) капитал сарфлар бирлигига тегишли нисбат; 3) капитал сарфлари суммасига ва сарфланган меҳнатга нисбат сифатидаги учта усулни таклиф этди. Бундан ташқари, у комбинацияланган кўрсаткични - меҳнат ва капитал сарфига тўғри келадиган унумни ҳисоблаб чиқишни таклиф этди. Меҳнат унумдорлиги даражаси ва унинг динамикасига кўпгина омиллар таъсир қилади. Омиллар деб меҳнат унумдорлигининг ўзгаришига таъсир кўрсатадиган ҳаракатлантирувчи кучлар ёки сабабларга айтилади.

Барча омилларни ўз ички мазмуни ва моҳиятига кўра, учта гуруҳга бўлиш мумкин: моддий-техника, ташкилий ва ижтимоий-иқтисодий.

4. Меҳнат унумдорлигини ошириш омиллари.

Моддий-техник омиллар – янги техника, илғор технология, хомашё ва материалларнинг янги турларидан фойдаланиш билан боғланган.

Ишлаб чиқаришни такомиллаштириш вазифаларини ҳал этишга:

- ускуналарни замонавийлаштириш;
- маънавий эскирган ускуналарни янги, унумлироқ ускуналар билан алмаштириш;
- ишлаб чиқаришни механизациялаш даражасини ошириш: қўлда бажариладиган ишларни механизациялаш, кичик механизация воситаларини жорий этиш, участка ва цехлардаги ишларни ялпи механизациялаш;
- ишлаб чиқаришни автоматлаштириш: автомат-дастгоҳларни, автоматлаштирилган ускуналарни ўрнатиш, автоматлаштирилган линиялардан ва ишлаб чиқариш тизимларидан фойдаланиш;
- янги, илғор технологияларни жорий этиш;
- хомашёнинг янги турларидан, прогрессив материаллардан фойдаланиш йўли билан ва бошқа чоралар орқали эришилади.

Моддий-техника омиллари мажмуи ва уларнинг меҳнат унумдорлигини ўзгартиришга таъсирини куйидаги кўрсаткичлар, яъни:

- меҳнатнинг энергия билан қуролланганлиги – саноатдаги бир ишчига тўғри келадиган энергия турлари истеъмоли;
- меҳнатнинг электр энергия билан таъминланганлиги – саноатдаги бир ишчига тўғри келадиган электр энергия истеъмоли;
- меҳнатнинг техника билан қуролланганлиги – бир ходимга тўғри келадиган асосий ишлаб чиқариш фондлари ҳажми;
- механизациялаш ва автоматлаштириш даражаси – механизациялаштирилган ва автоматлаштирилган меҳнат билан банд бўлган ишчилар улуши;
- ишлаб чиқаришни кимёлаштириш – прогрессив материаллар ва кимёвий жараёнларни қўллаш, ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида ишлаб чиқаришнинг кимёлаштирилган жараёнлари улушининг кўпайиши каби кўрсаткичлар билан тавсифлаш мумкин.

Маҳсулот сифатини ошириш, маблағ ва меҳнатни кам сарфлаб, ижтимоий эҳтиёжларни қондириш – муҳим моддий-техник омилдир.

Моддий-техник омиллар – энг муҳим омиллардан ҳисобланиб, улар нафақат меҳнат, балки хомашё, материаллар, ускуналар, энергия ва ҳоказоларнинг тежалишини ҳам таъминлайди.

Ташкилий-иқтисодий омиллар меҳнат, ишлаб чиқариш даражаси билан белгиланади.

Меҳнатни ташкил этиш ва бошқариш ҳам унумдорликни ошириш омилларидан биридир.

5. Меҳнат унумдорлигини ошириш заҳиралари.

Меҳнат унумдорлигини ошириш заҳиралари (резервлари) – техника ва технологияни такомиллаштириш, ишлаб чиқариш, меҳнат ва бошқарувни ташкил этишни яхшилаш ҳисобига меҳнат унумдорлигини оширишнинг барча омилларидан янада тўлароқ фойдаланиш имкониятидир.

Меҳнат унумдорлигини ошириш заҳиралари – меҳнат сарфларини тежашнинг (меҳнат сиғимини камайтириш ва иш унумини кўпайтиришнинг) фойдаланилмаган имкониятларидир.

Заҳиралар фан-техника тараққиёти таъсирида ишлатилади ва яна юзага келади. Миқдоран заҳираларни муайян вақт оралиғидаги меҳнат унумдорлигининг эришилган даражаси ва имкони бўлган энг юқори даражаси ўртасидаги фарқ, деб таърифлаш мумкин.

Заҳиралардан фойдаланиш даражаси меҳнат унумдорлиги даражасига таъсир этади. Заҳираларнинг ҳар бир турини муайян омилга нисбатан олиб қараш мумкин ва улар таснифига биноан таснифлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу эса, таҳлил қилишда ҳар бир омил бўйича исрофгарчилик ҳамда унумсиз меҳнат сарфларининг асосий сабаблари ва уларни бартараф этиш йўллари аниқлаш имконини беради.

Заҳираларнинг юзага келиш манбаи, улар таснифининг яна бир белгисидир. Бу белгига қараб умумдавлат, минтақавий, тармоқлараро заҳиралар, ишлаб чиқаришнинг ички заҳиралари фарқланади.

Умумдавлат заҳиралари ва улардан фойдаланиш бутун иқтисодиётда меҳнат унумдорлигининг ошишига таъсир этади. Булар корхоналарни жойлаштириш, аҳолининг иш

билан бандлигидан оқилона фойдаланиш, хўжалик юритишнинг бозор усулларини татбиқ этиш ва шу кабилардир.

Минтақавий захиралар – муайян минтақага хос бўлган ишлаб чиқарувчи кучлардан яхшироқ фойдаланиш имкониятлари.

Тармоқлараро захиралар турли тармоқлардаги корхоналар ўртасидаги алоқаларни яхшилаш, шартномавий интизомни мустаҳкамлаш имконияти билан боғлангандир.

Ишлаб чиқариш ички захиралари корхонада хомашё, материаллар, ускуналар, иш вақтдан фойдаланишдаги камчиликлар билан белгиланади. Смена ичидаги ва бутун кун мобайнидаги иш вақти бевосита нобудгарчиликлардан ташқари, яроқсиз қилинган буюмларни тузатиш, технологияда кўзда тутилган ишларни бажариш билан боғлиқ бўлган кўзга кўринмас нобудгарчиликлар ҳам бўлади.

Фойдаланиш муддатлари бўйича захиралар – жорий ва истиқболдаги захираларга бўлинади:

жорий захиралардан ой, чорак, йил давомида корхоналарнинг ҳақиқий имкониятларига қараб фойдаланиш назарда тутилади;

истиқболдаги захиралар корхонанинг уларни яқин вақт ичида ишга солиш учун етарлича ресурслари йўқ ва улардан истиқболда бир йил ёки янада кўпроқ вақт кейин фойдаланиш мўлжалланади.

6. Меҳнат самарадорлиги ва меҳнатга ҳақ тўлаш тизимларининг ўзаро боғлиқлиги.

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг тавсиясида айтилишича, энг кам миқдордаги иш ҳақини белгилашнинг асосий мақсади ёлланиб ишлаётган шахсларга энг кам миқдорда йўл қўйиладиган иш ҳақи даражасига нисбатан зарур ижтимоий ҳимоя берилиши лозимлигидир. Энг кам иш ҳақи миқдорининг белгиланиши турли йўллар билан амалга оширилиши мумкин.

У оддий, кам малакали меҳнат билан банд бўлган ходимларнинг такрор ҳосил килиниши учун нормал шарт-шароитлар яратиши лозим.

Ишлаб чиқариш ва меҳнат самарадорлиги ортиб борган сари реал иш ҳақининг ортиб бориши. Бу тамойил эҳтиёжларнинг ортиши объектив иқтисодий қонуннинг амал қилиши билан боғлиқ бўлиб, мазкур қонунга мувофиқ эҳтиёжларнинг янада тўлароқ қондирилиши фақат ўз меҳнати учун кўпроқ миқдорда моддий неъматлар ва хизматларга эга бўлиш имкониятлари кенгайган шароитдагина реал бўлади

Меҳнат унумдорлиги ўсишининг ўртача иш ҳақининг ўсиш суръатларидан илгариларча суръатларини таъминлаш. Бу тамойилнинг моҳияти – ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш асосида меҳнат даромадларини максимал даражага етказишдан иборат. Бу тамойилга риоя килиниши жамғариш жараёнининг, кентайтирилган ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигини тақозо этади ва корхона ривожланиши ҳамда раванқ топишнинг зарур шартли хисобланади.

Ўз-ўзини синаш саволлари

1. Меҳнат унумдорлиги нима?
2. Меҳнат унумдорлигини ҳисоблаш услубиёти қандай аҳамиятга эга?
3. Меҳнат унумдорлигини аниқлашнинг асосий усулларини, уларнинг афзалликлари, камчиликлари, қўлланиш соҳаларини айтиб беринг.
4. Меҳнат унумдорлигини оширишнинг қандай моддий-техник омилларини ва улар таъсир кўрсатишини ҳисоблашнинг қандай усулларини биласиз?
5. Меҳнат унумдорлигига қандай ижтимоий-иқтисодий омиллар таъсир кўрсатади?
6. Меҳнат унумдорлигини оширишнинг ташкилий омиллари тузилиши қандай, улар иш вақтидан фойдаланишга ва маҳсулотнинг сермеҳнатлик даражасига қандай таъсир кўрсатади?
7. Меҳнат унумдорлигини оширишнинг қандай ташқи ва ички захиралари бор?